

**ИНГЛИЗ ТИЛИНИ ЎҚИТИШДА ИНТЕРФАОЛ МЕТОДЛАРДАН
ФОЙДАЛАНИШ АХАМИЯТИ**

**ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ИНГЛИЗ ТИЛИ
ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ ЎҚИТУВЧИСИ
ЁҚУБОВА ГУЛАСАЛ ФАРХОДЖОН ҚИЗИ**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан узлуксиз таълим тизимининг барча босқичларида ўсиб келаётган ёш авлодни чет тилларига ўқитиш сифатини таъминлаш, чет тилларида эркин сўзлаша оладиган мутахассисларни тайёрлаш тизими니 тубдан такомиллаштириш, ушбу йўналишдаги ўқув дастурларининг узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш, чет тилларини билиш даражасини баҳолашнинг миллий тест тизимини ривожлантириш асосида малака сертификатига эга бўлган ўқувчилар, талабалар ва педагогларга имтиёзлар бериш ҳамда уларни рағбатлантириш мақсадида 2017-2018 ўқув йилидан бошлаб узлуксиз таълим тизимининг барча босқичларида чет тилини ўзлаштириш даражасини давлат таълим стандартларида белгиланган “Тинглаб тушуниш” (Листенинг), “Ўқишиш” (Реадинг), “Ёзишиш” (Wритинг), “Гапириш” (Спекинг) кўникумалари асосида баҳолаб бориш механизмини ишлаб чиқиб, амалиётга жорий этиш;

2018-йил 1-январдан бошлаб чет тилини билиш даражаси тўғрисидаги давлат намунасидаги малака сертификатига эга бўлган ўқувчи, талаба ва педагогларга етакчи хорижий таълим муассасаларида тил ўрганиш амалиётларини ташкил этиш;

2018-йил 1-сентябрга қадар чет тилларини ўқитишнинг асосий босқичлари умумий ўрта таълим муассасалари ва академик лицейларда таъминланишини назарда тутган ҳолда узлуксиз таълим тизимининг барча босқичларида ўзаро узвийлик ва узлуксизлик тамойилларига асосан ўқув дастурларини ишлаб чиқиб, амалиётга жорий этиш вазифалар белгилаб

берилди. ҳозирги кун ўқитувчиларига янги вазифа ва бир қанча маъсулиятларни юклайди. Замонавий технологияни кириб келиши билан инглиз тилини ўқитиш анъанаси сезиларли даражада ўзгарди. Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А Каримов томонидан чет тилларни янада такомиллаштириб ўқитиш юзасидан 2012-йил 10-декабрда ПҚ-1875 яъни “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Бу қарорга кўра четтили ўқитувчиларига замонавий педагогик ва ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўқитишнинг илғор услубларини жорий этиш ва ўсиб келаётган ёш авлодни чет тилларда эркин сўзлаша оладиган қилиб тайёрлаш маъсулияти юклатилди.

Қарор бир неча банддан иборат бўлиб, айнан қарорнинг тўққизинч бандида инновацион технологиялардан фойдаланиш ҳақида батафсил айтиб ўтилган. Қарорнинг тўққизинчи бандига кўра, “Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Давлат алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари қўмитаси, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги ҳамда Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, болалар ва ёшларнинг манфаатлари ҳамда қизиқишиларини инобатга олган ҳолда қўйидагиларни таъминласин: Телевидения, шу жумладан, маҳаллий телеканаллар орқали болалар ва ўсмирларни хорижий тилларга ўргатиш бўйича кўрсатувлар тайёрлаш ҳамда уларни трансляция қилиш, бошқа халқларнинг тарихи ва маданияти, жаҳон илми ва техникасига бағишлиланган илмий-оммобоп, хорижий бадиий ҳамда мультиплексијий фильмларни ўзбек тилидаги субтитр ёрдамида, мунтазам кўрсатиб боришни амалга ошириш; “Зиёнет” тармоғи орқали таълим муассаларининг халқаро таълим ва билим олиш манбаларига кириш имкониятларини сезиларли орттириш, унинг ресурс марказини мультимедиа ресурслари, шахсий компьютерлар ва мобиЛЬ ускуналар учун иловалар билан бойитиш, шунингдек инглиз тилида ўқув ва бадиий адабиётлар, ихтисослаштирилган расмлар билан безатилган газеталар ва журналларни чоп этиш, уларга маҳсус руқнлар ҳамда

иловаларни ташкил қилиш ” деб келтирилганлиги сабабли айни дамда барча инглиз тили ўқитувчилари ўз дарсларини янада жонлантириш мақсадида технологиялардан фойдаланиш заруриятини ҳис эта бошладилар.

Хозирги кунда инглиз тилини ўрганишнинг аҳамияти Ўзбекистонда аввалгига қараганда анча юқори бўлиб бормоқда. Бир қанча инглиз тили мутахассислари инглиз тилини ўрганишни янги метод ва ёълларини ҳаётга тадбиқ қилишмоқда. Бу албатта чет тилларни ўқитиш самарадорлигини янада оширади.

Технологиялардан фойдаланиб, ўқитишнинг бир қанча ўзига хос афзалликлари мавжуд. Бундан ташқари, у ўқитиш тизимини анча самарадорлигини оширади ва ўз навбатида тил ўрганиётган ўқувчини замон билан ҳамнафас бўлиб, олға интилишига кўмаклашади. Технология аста секинлик билан анъанавий ўқитишнинг ўрнини эгалламоқда. Бугунги кунда телевизион дастурларда бир қанча инглиз тилини ўргатишга кўмаклашувчи янги дастур ва кўрсатувлар мунтазам равища узатилиб келинмоқда. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, бугунги кунда ўқитишнинг самарадорлигини ошириш учун Ўзбекистонда янги замонавий инновацион технологиялардан фойдаланишнинг янги методлари жорий қилинди. Мисол учун, мультимедия асосида чет тили ўргатилаётган ўқувчидаги тўрткўникмани ривожлантириш, қизиқарли материаллар орқали ҳам кўриб, ҳам эшишиб ўрганиш имконияти пайдо бўлди. Бундан ташқари ўқувчи жонли ҳаракатларни кўриб баъзи сўзларнинг маъносини тахмин қила олади ва уни тушинишга ҳаракат қиласади.

Албатта ҳар қандай чет тили дарсларида замонавий технологиялар компьютер, ра-дио, СД, ДВД қўллаш таълим жараёнини янада олға силжиб, ўсиб келаётган ёш авлодга чет тилларни тезроқ ўрганиш имконини беради.

Инглиз тили дарслари давомида баъзи ўқитувчиларнинг технологияларни қўллашни билмасликлари ва фойдаланмасликлари, ўқувчиларнинг бир мунча зерикишларига олиб келади. Айнан шу сабабли яъни ўрганувчининг иштиёқини сўндириласлик учун дарс давомида

технологиялардан ва камида компьютердан фойдаланиш ўрганувчининг қизиқишини ортиб боришини янада таъминлайди. Зеро, ўрганувчининг ёшига, қизиқишига, қобилиятига, дарсларни ўзлаштиришига қараб тайёрланган ўкув материаллари албатта самара беради. Аксинча, биз ўқитувчилар ушбу талаблар асосида ўкув материалларини танламасак, бошланғич синф ўқувчилариға мураккаб сўзлардан иборат бўлган видео-фильмлар, қўшиқлар ёки матнларни эшиттиrsак ёки мул-тимедиа, компьютерлар орқали намойиш этсак, ўрта ва юқори синф ёки гурух ўрганувчилариға жуда ҳам содда матнлардан иборат ўкув материалларини намойиш этганимизда ўрганувчиларнинг тилни ўрганишга бўлган қизиқишлиари аста-секин сўна бошлайди ва дарсларни ўзлаштирмай қўйишиади. Бу эса ўз навбатида баҳоларнинг пасайиб кетиши, ўқитувчининг ўқувчилар олдида ўз хурматини ёъқотиб қўйишига олиб келиши мумкин. Демак, бундан келиб чиқадики дарс давомида технологиялардан шунчаки фойдаланиш эмас, балки уларни ўз ўрнида қўллай билиш ва технологиялардан фойдаланиш ўқувчи билимини оширишига хизмат қилишини таъминлаш асосий вазифа ҳисобланади. Ҳозирги СЭФР яъни Халқаро Европа таълим стандартларининг талаблари бўйича тўртта: (вритинг, реадинг, листенинг, спекинг) инглиз тилида ёзиб, ўқиб, тинглаб, сўзлашиб ўрганиш компитенциялари бўйича олиб борилаётган дарслар давомида технологиялардан унумли ва ўринли фойдаланиш аҳамиатлидир. Масалан, тинглаб – тушуниш дарсларида аудио матнларни қўйиб эшиттиришнинг ҳам ўзига яраша қонун-қоидалари мавжуд. Унда асосий мақсад ўрганувчи эшитаётган аудио материални тушуниб олиши ва уни қийналмасдан таҳлил қила олиши муҳимдир. Бунинг учун эса энг аввало, муҳитни аудио материални қўйиб эшиттириш учун ҳозирлаш, бунда тингловчилар осойишта муҳитни таъминлашлари, ўқитувчи эса қўйилаётган аудионинг сифатига ҳамда овоз кучайтиргичларнинг яхши ишлаётганлигига эътибор қаратиши ва аудиони эшиттиришдан олдин ва кейин бажариладиган машқларнинг тайёр эканлиги ва ўрганувчилар тарқатма материаллар билан таъминланган

бўлиши лозим. Кўйилган барча талаблар амалга оширилгач, ўқитувчи аудио материални ўрганувчиларга қўйиб эшиттиришни бошлиши мумкин. Эшиттирув камида икки марта амалга оширилади акс ҳолда тил ўрганувчилар мавзуни тушунмасликлари ва аудио ма-териал эшит бўлингач бажариладиган машқларни тўғри бажара олмасликлари мумкин.

Шунингдек, сўзлашиб ва ёзиб ўрганишда ҳам технологиядан фойдаланган ҳолда дарс ўтиш жараёнида мультимедиалардан фойдаланиб, ўрганувчиларга видео – фильмлар, роликлар намойиш қилиш ва уни муҳокама қилиш жуда самарали усул ҳисобланади. Бунда ўрганувчиларга таниш бўлган лугат ишлатилиши, янги ва мураккаб сўзлар иштирок этган бўлса сўзларга изоҳ бериш, янги сўзлар билан боғлиқ бўлган машқлар бажариб олингач, видео материални намойиш этиш мумкин. Бу жараённи амалга ошириш учун ҳам албатта тинч, шовқин бўлмаган муҳит, қулай ва тоза синфхона, барчага тамоша қилиш имконининг мавжуд бўлиши, овоз кучайтиргичларнинг ишлаётганини текшириб чиқиш муҳимдир. Видеони қўйиб беришдан олдин, ўрганувчиларнинг намойиш этилиши керак бўлган видео мавзуси ҳақида суҳбатлашиш, савол-жавоблар ўтказиш, ҳақиқатдан ҳам ўрганувчилар ушбу мавзуга қизиқишаётганликларига амин бўлгач видео материални қўйиб бериши керак. Видео тугагач ўқитувчи ўқувчиларнинг видео-фильм ҳақидаги фикрлари билан қизиқиши, машқлар бажариши керак бўлади. Ушбу этаплар тўғри амалга оширилгач, бу дарслар албатта ўрганувчиларнинг қизиқишлиари ва билимларининг ортиб боришига катта ҳисса қўшади. Бундан келиб чиқадики, дарсларимизни янада бойитиш, ўрганувчиларни қизиктира олиш, уларнинг билимларини бойитиша замонавий технологияларнинг ўрни бекиёсдир. Уларни тўғри ва ўринли қўллай олиш эса ютуқларимизнинг асосий гарови ҳисобланади.

REFERENCES

- 1.Рустамович, А. О., & Исмоиловна, А. Г. ТҲЕ СОНСЕПТ ОФ ДИАСПОРА РЕФЛЕСТЕД ИН ВОРЛД ЛИТЕРАТУРЕ.

2. Ачилов, О. Р. (2017). ИМПРОВИНГ СТУДЕНТСЪСРИТИСАЛ ТХИНКИНГ ТХРОУГХ СРЕАТИВЕ ВРИТИНГ ТАСКС. Ин *Интернационал Ссиэнтифис анд Прастисал Конференсэ World ссиэнсэ* (Вол. 4, Но. 4, pp. 19-23). РОСТ.
3. Жумаев, С., Кхудайберганов, С., Ачилов, О., & Алламуратова, М. (2021). Ассессмент сритериа фор оптимизатион оф параметерс аффестинг то лосал wagон-флоуc ат раилвай ситес. Ин *ЭЗС Wэб оф Конференсэс* (Вол. 264, п. 05022). ЭДП Ссиэнсэс.
4. Ачилов, О. Р. (2018). ИСЛАМ АБДУГАНИЭВИЧ КАРИМОВ–ТХЕ ФОУНДЕР ОФ СИВИЛ СОСИЭТЙ ИН УЗБЕКИСТАН. *ИСЛОМ КАРИМОВ–ЯНИГИ ДАВР ЎЗБЕК ДАВЛАТЧИЛИГИНИНГ АСОСЧИСИ*, 299.
5. Ачилов, О. Р. (2018). СОМПАРАТИВЕ АНАЛЫСИС ОФ ФОРЕГРОУНДИНГ ИН ЭНГЛИШ АНД УЗБЕК ЛАНГУАГЕС. *Wэб оф Счолар*, 5(4), 23-27.